

“ЯШИЛ ТАРАҚҚИЁТ” СТРАТЕГИЯСИНинг ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ

Исоқуловва Мунисхон Абдурасул қизи
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви Академияси
ORCID: 0009-0009-2601-0403
munisxon@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада Корея Республикасининг яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнини ўрганиш, “янги яшил курс” ва уни амалга ошириш истиқболларини кўриб чиқиш, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари, “яшил ўсиш” стратегиясининг мамлакат иқтисодиётиниг ривожланishiдаги тутган ўрни, уни молиялаштириш ва амалиётга татбиқ этиш йўлида дуч келган хато ва камчиликлар кўриб чиқилган. Шунингдек, мақолада Корея Республикаси 2008 йил қабул қилган узоқ муддатга мўлжалланган “яшил ўсиш” миллий стратегияси (2009-2050)нинг ҳозирги пайтдаги ҳолати ва соҳани ривожлантириш бўйича тавсия ва таклифлар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: яшил иқтисодиёт, “яшил янги келишув”, “яшил ўсиш” миллий стратегияси.

ВЛИЯНИЕ СТРАТЕГИИ «ЗЕЛЁНОГО РОСТА» НА ЭКОНОМИКУ ЮЖНОЙ КОРЕИ

Исоқуловва Мунисхон Абдурасул қизи
Академии государственного управления при
Президенте Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье рассмотрены процесс перехода Республики Корея к зеленой экономике, «новый зеленый курс» и перспективы его реализации, существующие проблемы и пути их решения, влияние стратегии «зеленого роста» на развитие экономики страны, пути финансирования и реализации. Также в статье рассматривается современное состояние долгосрочной национальной стратегии «зеленого роста» (2009-2050 гг.), принятой Республикой Корея в 2008 году, а также рекомендации и предложения по развитию отрасли.

Ключевые слова: зеленая экономика, «новый зеленый курс», национальная стратегия «зеленого роста».

THE IMPACT OF THE STRATEGY OF “GREEN GROWTH” ON ECONOMY OF SOUTH KOREA

Isokulova Munisxon Abdurasul kizi
Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Annotation. This article examines the process of transition of the Republic of Korea to a green economy, the “new green course” and prospects for its implementation, existing problems and ways to solve them, the impact of the “green growth” strategy on the development of the country’s economy, ways of financing and implementation. The article also discusses the current state of the long-term national strategy for “green growth” (2009-2050), adopted by the Republic of Korea in 2008, as well as recommendations and proposals for the development of the industry.

Keywords: green economy, “green growth” strategy.

Кириш.

Ҳозирги давр қўплаб мамлакатларнинг яшил технологиялар йўлига ўтиши ва ресурслар танқислигини келтириб чиқарадиган, атроф-муҳит ва инсон саломатлигига зиён етказадиган иқтисодий моделдан воз кечиши билан ажралиб туради. Сўнгги ўн йил ичida яшил ўсиш концепцияси Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП), Жаҳон Банки, G8 ва G20 учрашувлари каби турли халқаро форумларда илгари сурилди ва қўплаб ҳукуматлар учун стратегик устувор вазифага айланди. Бу жабҳада эса Корея Республикаси яшил ривожланишни миллий стратегияга айлантирган дунёдаги биринчи давлат бўлди.

Жанубий Корея кам углеродли энергия ресурсларига талабни қўпайтириш орқали энергия хавфсизлигига эришишга ҳаракат қилди. Бу айниқса, атом энергетикаси ва яшил энергия саноатини ривожланишида ўз аксини кўрсатди. Кам углеродли ривожланиш ва иқтисодий рақобатбардошлик ўртасидаги ҳамжиҳатликни инобатга олган ҳолда, яшил ўсиш стратегиялари қайта тикланувчи энергия манбалари жабҳасида ҳам кучли саноат юксалишига туртки бўлди.

Бироқ, Жанубий Кореянинг яшил ривожланиш стратегияси бир қанча муаммоларга дуч келмоқда. “Таназзулга юз тутаётган” яшил ўсиш стратегиялари ўзгарувчан давлат бошқаруви ва сиёсий устуворликларга мос равишда ўзгартирилиб келинмоқда. Шунингдек, сиёсий нуқтаи назардан кўриб чиқиши билан амалга татбиқ этиш жараёни ҳам ўз ўрнида ҳукумат ва тегишли соҳаларда бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди.

Ушбу тадқиқот доирасида 2008 йилдан бери Жанубий Кореяда олиб борилаётган яшил ривожланиш сиёсати эволюцияси ўрганиб чиқилади, шунингдек, 2020 йили эълон қилинган “Яшил янги келишув” ва уни амалга ошириш истиқболлари кўриб чиқилади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишини бажаришда кузатиш, маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, таққослаш, хорижий олимларнинг яшил иқтисодиёт соҳасидаги қарашлари, амалдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича изланишлари ҳамда соҳага доир ташкилотларнинг илғор тажрибалари ўрганилиб, хulosса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Адабиётлар шарҳи.

Ҳозирги даврда иқлим муаммолари жаҳондаги барқарор ривожланиш йўлида энг асосий таҳдидга айланиб улгурди. Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари замонамизнинг энг аянчли экологик инқирозларидан бири — Орол фожиаси туфайли Марказий Осиё ва унга ёндош миңтақаларда айниқса жиддий сезилмоқда. Бу борада «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва углерод нейтраллигига эришиш Янги Ўзбекистоннинг устувор стратегик вазифаси хисобланади. “Яшил иқтисодиёт”дан давлат ёки бизнес эмас, балки, энг аввало, оддий одамлар фойда кўради. Унинг ижтимоий аҳамияти ҳам шунда (Салохўжаев, 2020).

Яшил иқтисодиёт - бу экологик хавфларни ва экологик танқисликни камайтиришга қаратилган ва атроф-муҳитни бузмасдан барқарор ривожланишни мақсад қилган иқтисодиёт. (Kahle, 2014). У экологик иқтисодиёт билан чамбарчас боғлиқ, лекин кўпроқ сиёсий жиҳатдан қўлланиладиган йўналишга эга (Eda Gurel-Atay, 2014).

“Яшил ўсиш” асримизнинг мисли кўрилмаган муаммоларини ҳал қилиш учун имкониятлар яратади (Myung-Kyoon Lee, 2019). Бу эса ўз ўрнида интеграциялашган инновацион ечимларни бартараф этиб, иқтисодий ўсиш, экологик барқарорлик ва ижтимоий инклюзивликни таъминлайди (Yong-Sung Kim, 2020). Тез ўзгарувчан глобаллашув Корея Республикасини яшил ўсиш ва ривожланиш бўйича етакчи куч сифатида кўрсатишга ундайди (Shin, Hyon-hee, 2006). Турли мамлакатлар ўз сиёсати ва дастурларида яшил ўсиш нуқтаи назаридан фойдали томонларни ўрганишни бошладилар. Корея Республикасининг бошқарув тизимига киритилган миллий қараш мамлакатда яшил ўсиш сиёсатини янада ривожлантиришга хисса қўшиб келмоқда (Yvo de Boer, 2015).

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Корея Республикаси ҳукумати томонидан илгари сурилган ташаббус туфайли мамлакат 2008 йилдан бўён яшил ўсиш бўйича улкан режани амалга ошириб келмоқда. 2009 йилда маҳсус қўмита Яшил ўсиш миллий стратегияси ҳамда 2050 йилгача мўлжалланган узоқ муддатли яшил ўсиш дастурини қабул қилди. Шунингдек, 2013, 2018, 2023 ва 2028 йилларга мўлжалланган беш йиллик режалар ҳам шакллантирилди. Ушбу мақсадларни амалга оширишга қаратилган 10 та сиёсий йўналиш ва соҳаларни қамраб олган 50 та дастур мавжуд. Беш йиллик режалар, жумладан, йиллик ЯИМнинг 2 фоизини яшил ривожланиш сиёсати ва лойиҳаларига ажратишни назарда тутди. Ушбу режалар натижаси ўлароқ Глобал яшил ўсиш институти ташкил этилди ҳамда Яшил иқлим жамғармаси Сонгдо шахрида жойлаштирилди.

Глобал яшил ўсиш институти ҳалқаро ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, бошофиси Сеул шахрида (Жанубий Корея) жойлашган. Мазкур ташкилот 2012-йил 20-июн куни Рио-де-Жанейрода (Бразилия) БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича конференцияси доирасида таъсис этилган. Ҳозирги кунда институт дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида 50 дан ошиқ лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Ташкилотнинг мақсади – иқлим ўзгариши шароитларида тараққий этган ҳамда бозор иқтисодиётини танлаган мамлакатларда яшил иқтисодиётни ривожлантириш йўли орқали барқарор иқтисодий ўсишга қўмаклашиш хисобланади (Nuup Lee, 2020).

Корея Республикасининг Миилий стратегияси мамлакатда ақлли тармоқларни кенгайтирилишига туртки берди ва компанияларни яшил технологиялар ишлаб чиқаришига ундади. Samsung ва Hyundai каби йирик компаниялар эса барқарорлик сиёсатини олиб боришимоқда ва шу аснода “яшил етакчилар”га айланишмоқда.

Жумладан, Samsung компанияси бир марталик пластмассалардан фойдаланишни қисқартириб, қайта ишланган пластмассалардан максимал даражада фойдаланиш имконини берадиган, кам энергия сарфлайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда.

Компаниянинг инновацион технологиялари ва маҳсулотлари ёрдамида экологик тоза қиймат яратиш занжирини вужудга келтириш, шунингдек, мамлакатда яшил иқтисодиётни ривожлантириш, 2050-йилга келиб углерод чиқиндиларини нол даражага етказиш асосий мақсад бўлиб келмоқда. Бу йўлда ультра паст қувватли яrimўтказгичлар ва энергия тежамкор маҳсулотлар масаласига урғу берилган (Lim Sung-hyun, 2020).


Бироқ, жадвал №1даги маълумотларга кўра, Жанубий Кореяда ҳали ҳам иссиқхона газлари чиқиндиларининг ўсиши кузатилмоқда, деган холосага келишимиз мумкин.

1-жадвал

Аҳоли жон бошига CO2 эмиссияси Жанубий Корея мисолида (тоннада)

2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
11,8	11,75	12,13	12,26

Мамлакат ҳукумати CO2 чиқиндиларини минималлаштириш учун саноатни қайта йўналтиromoқчи, хусусан, кўмирда ишлайдиган электр энергиясини ишлаб чиқаришни ярмига – 41,9% дан 21,8% гача қисқартириш. Бундан ташқари, 2030 йилгача қайта тикланадиган энергия манбалари улушини 6,2 фоиздан 30,2 фоизга ошириш таклиф этилмоқда.



1-расм. Жанубий Кореяning пўлат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

Жанубий Корея дунё бўйича олтинчи йирик пўлат ишлаб чиқарувчи давлат ҳисобланади. World Steel маълумотларига кўра, 2020 йилда мамлакат пўлат ишлаб чиқаришни 2019 йилга нисбатан 6 фоизга - 67,1 миллион тоннагача қисқартирган.

“Яшил янги келишув”. Бугунги кунда Корея Республикаси дунё давлатлари орасида ривожланишда “яшил иқтисодиёт” тамойилига ўтган лидер давлатлардан бири ҳисобланади.

Яшил янги келишув қайта тикланадиган энергия, яшил инфратузилма ва саноат секторига қаратилган. Унинг яшил автомобилларни субсидиялаш дастури 2021 йилда электр автомобилларини сотиб олувчиларга 17 миллион АҚШ долларигача ва водород ёнилғисида ишлайдиган электр транспорт воситалари учун 33,5 миллион АҚШ долларигача субсидиялар тақдим этади.

Анъанавий ривожланиш моделининг беқарорлиги иқтисодиётни трансформация қилишнинг янги ривожланиш концепциясини излаб топишга йўл очмоқда. Иқтисодий ўсишнинг анъанавий моделидан “яшил иқтисодиёт”га ўтиш нафақат алоҳида миллий иқтисодиётни, балки бутун сайёра барқарорлигини белгилайдиган глобал

тенденциядир. Ҳозирда “яшил ўсиш” қўплаб давлатларнинг мақсади, глобал экологик муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Корея Республикасини 2017-2022 йиллар бошқарган президент Мун Же Ин ташаббуси билан “Яшил янги келишув” (Green New Deal)ни амалга ошириш ғояси илгари сурилди. Бу ўз навбатида Жанубий Корея иқтисодиётини COVID-19 туфайли юзага келган таназзулдан кейин иқтисодий ўсишга тайёрлашга мўлжалланган. Шунингдек, Жанубий Корея 2050 йилга келиб углерод чиқиндиларини нолга тенглаштириш ва бу мақсадни қўллаб-қувватловчи қонунларни қабул қилишга бел боғлаган. Бундан ташқари, хориждаги қўмирда ишлайдиган электр станцияларини молиялашни тўхтатиш ва 2040 йилга бориб мамлакат ичидаги майда чанг даражасини 40 фоизга камайтириш мақсадини қўяди. Бу режа ишчиларга яшил иш ўринларига ўтишни таъминлайдиган ўқув марказини очишни ҳам қўзда тутган. Узоқ муддатли режада “Яшил янги келишув”ни молиялаштириш учун углерод солиғини жорий қилиш ҳам қўзда тутган.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, яшил иқтисодиётга ўтиш аста-секинлик билан амалга ошириладиган жараён. Маълумки, Корея Республикасининг конституциясига мувофиқ, президент беш йил муддатга сайланади ва қайта сайланиш имконияти йўқ. Шунинг учун мамлакатда келгуси хукumatнинг узоқ муддатли қўллаб-қувватлаши ва бирдамлиги яшил иқтисодиётга ўтиш миллий стратегиясини такомиллаштиришда муҳим омил хисобланади. Агар Корея Республикасининг 30 йил давомидаги устувор мақсади “Яшил иқтисодиёт”ни яратишга қаратилган эътибор бўлиб қолса, кутилган барча натижалар ўз мевасини беради. Корея Республикасининг инновацион муваффақияти бунга яққол далил бўлиши мумкин, чунки айнан шу соҳага қаратилган катта эътибор инновациялар индексида глобал етакчи мамлакат сифатида ўз аксини топди. Бу эса ўз навбатида яшил технологияларни ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ушбу соҳада муваффақият калитларини очиши бегумон.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Hyon-hee et al. (2006) Cathode Luminescence Characteristics of ZnGa₂O₄ Phosphor Thin Films with the Doped Activator //2006 年上海电子电镀学术报告会资料汇编.

Hyup Lee, Jisuk Woo. (2020) Green New Deal Policy of South Korea: Policy Innovation for a Sustainability Transition// Jae-Hyup Lee, Jisuk Woo. – Матн: электрон // MDPI. – 2020. – URL: <https://www.mdpi.com/2071-1050/12/23/10191/pdf>

Kahle L. R., Chiagouris L. Values, (2014) lifestyles, and psychographics. – Psychology Press,

Lim Sung-hyun, Cho Jeehyun. S. (2020) Korea determined to promote hydrogen economy with fuel-cell car // Lim Sung-hyun, Cho Jeehyun. – Матн: электрон // Pulse News Korea. – 2020. – URL: <https://pulsenews.co.kr/view.php?year=2019&no=35953>

Myung-Kyoon Lee, Kim Y. et al. (2019) Evaluating multiple bioclimatic risks using Bayesian belief network to support urban tree management under climate change //Urban Forestry & Urban Greening. -- T. 43. – C. 126354.

Sung Y. K., Kim S. W. (2020) Recent advances in polymeric drug delivery systems //Biomaterials Research. – T. 24. – №. 1. – C. 12.

Yvo de Boer, Hajar M. et al. (2015) Beyond cockpit-ism: Four insights to enhance the transformative potential of the sustainable development goals //Sustainability. – T. 7. – №. 2. – C. 1651-1660.

Салоҳўжаев Р. (2020) Инсон капитали тараққиёти замонавий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ягона йўли //URL: <https://review.uz/oz/post/rauf-saloxojaev-inson-kapitali-taraqqiyotizamonitori-iqtisodiyotni-rivojlantirishning-yagona-yoli>.